


## XI. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ



**Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи.** Тошкент вилояти бўйича 2020 йил январь-декабрь ойларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2 870,4 минг сўми ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 112,2 %га ошганини кўриш мумкин. Худудлар бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Олмалик шаҳрида 4432,3 минг сўми (вилоят ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 154,4 %), Бекобод шаҳрида 3447,2 минг сўми (120,1 %), Зангиота туманида 3414,8 минг сўми (119,0 %), Нурафшон шаҳрида 3186,0 минг сўми (111,0 %) ташкил этди. Аксинча, Бекобод туманида 1688,4 минг сўми (58,8 %), Бўка туманида 1754,1 минг сўми (61,1 %), Паркент туманида 1839,3 минг сўми (64,1 %), Чиноз туманида 1921,5 минг сўми (66,9 %), Пискент туманида 1993,1 минг сўми (69,4 %) ташкил этиб пастлигини кўриш мумкин.

**Ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи**

Ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи<sup>1</sup>  
(2020 январь-декабрь ойларида вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, %да)




<sup>1</sup> қишлоқ хўжалиги корхоналари ва кичик тадбиркорлик субъектларисиз, қайта ҳисобланган

Худудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи  
(2020 йил январь-декабрь, қишлоқ хўжалиги ва кичик бизнес тадбиркорлик  
субъектларидан ташқари, минг сўм)


	2019 йил январь-декабрь	2020 йил январь-декабрь	2019 йил январь-декабрга нисбатан % ҳисобида
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>2558,1</b>	<b>2870,4</b>	<b>112,2</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Нурафшон	2699,6	3186,0	118,0
Олмалиқ	4248,5	4432,3	104,3
Ангрен	2005,0	2302,5	114,8
Бекобод	3064,3	3447,2	112,5
Чирчиқ	2491,6	2731,2	109,6
Оҳангарон	2395,2	2773,2	115,8
Янгийўл	1964,8	2125,9	108,2
<i>туманлар:</i>			
Оққўрғон	1810,1	2088,7	115,4
Оҳангарон	2124,3	2299,4	108,2
Бекобод	1554,4	1688,4	108,6
Бўстонлик	2104,2	2266,6	107,7
Бўка	1675,7	1754,1	104,7
Зангиота	2327,0	3414,8	146,7
Қибрай	2328,9	2926,2	125,6
Қуйичирчиқ	1794,4	2043,5	113,9
Паркент	1695,2	1839,3	108,5
Пискент	1721,8	1993,1	115,8
Ўртачирчиқ	2021,9	2217,6	109,7
Чиноз	1871,1	1921,5	102,7
Юқоричирчиқ	2129,7	2328,7	109,3
Янгийўл	2228,3	2606,8	117,0
Тошкент	1963,9	2142,1	109,1

Ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи

Худудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи  
(2020 йил январь-декабрь, қишлоқ хўжалиги ва кичик бизнес тадбиркорлик  
субъектларидан таиқари, минг сўм)



**Худудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи  
ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари, %да  
(2020 йил январь-декабрь, қишлоқ хўжалиги ва  
кичик бизнес тадбиркорлик субъектларидан ташқари)**



**Ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи**

**Иш ҳақи.** 2020 январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича иш ҳақи таҳлили қуйидагиларни кўрсатмоқда (*2020 йил январь-декабрь, қишлоқ хўжалиги ва кичик бизнес тадбиркорлик субъектларидан ташқари, минг сўм*):



**Таълимда** 1613 та муассасада 76576 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 27,8 %ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 1838586,9 млн.сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 19,4 %ни) ташкил этган.

Таълим соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1979,6 минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 104,2 %га ўсди.



**Саноатда** 121 та корхонада 105677 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши - 38,3 %ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 4765152,0 млн.сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 50,2 %ни) ташкил этган.

Саноат соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2948,5 минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 112,4 %га ўсди.



**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда** 130 та муассасада 38625 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 14,0 %ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 961773,4 млн. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 10,1 %ни) ташкил этган.

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1820,5 минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 127,0 %га ўсди.



**Ташиш ва сақлашда** 19 та корхонада 3589 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 1,3 %ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 80732,2 млн.сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 0,9 %ни) ташкил этган. Ташиш ва сақлаш соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1845,3 минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 115,7 %га ўсди.



**Молиявий ва суғурта фаолиятида** 83 та муассасада 3275 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 1,2 %ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 198205,5 млн.сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 2,1 %ни) ташкил этган. Молиявий ва суғурта фаолияти соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 4929,5 млн.сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 129,5 %га ўсди.

**Ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи**

Иқтисодий фаолият турлари кесимида иш ҳақи кўрсаткичларини умумлаштириш натижасида, 2020 йил январь-декабрь ойларида Тошкент вилоятида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2 870 394,3 сўмни (иш ҳақиға устама, мукофот, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация ва ишланмаган вақт учун ҳақ каби тўловлар киритилган, шунингдек унинг таркибида жисмоний шахслар даромад солиғи, ижтимоий суғурта ва касаба уюшмасига тўловлар ҳам мавжуд) ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 112,2 %га ўсиши кузатилди.